

(ISSN) 2412-1924

Евразийский научный журнал

№6 июнь, 2018

Ежемесячно-научное издание

ЕВРАЗИЙСКИЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

192242, г. Санкт-Петербург, ул. Елагинская, д. 11

E-mail: Info@ejn-pro.ru

Главный редактор: М.А. Михалюк

№6 июнь, 2018

Адрес: Ежемесячное научное издание

Публикуемые статьи рецензируются

Вопросы редакционной политики не обсуждаются с мнением авторов статей

Ответственность за достоверность информации в статьях и информации

несут авторы

Работы публикуются в авторской редакции

При перепечатке ссылка на журнал обязательна

© Авторы статей, 2018

«Редакция Евразийского научного журнала»

Санкт-Петербург 2018

(ISSN) 2410-7255

Евразийский научный журнал
№6 июнь, 2018

Ежемесячное научное издание.

Зарегистрировано в Федеральной службе по надзору в сфере связи,
информационных технологий и массовых коммуникаций (Роскомнадзор).

Свидетельство о регистрации средства массовой информации
ПИ №ФС77-59168 от 05 сентября 2014 г.

Адрес редакции:
192242, г. Санкт-Петербург, ул. Будапештская, д. 11
E-mail: info@journalPro.ru

Главный редактор Иванова Елена Михайловна

Адрес страницы в сети Интернет: journalPro.ru

Публикуемые статьи рецензируются
Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей
Ответственность за достоверность изложенной в статьях информации
несут авторы
Работы публикуются в авторской редакции
При перепечатке ссылка на журнал обязательна

© Авторы статей, 2018
© Редакция Евразийского научного журнала, 2018

Перспективы укрепления гарантий права граждан на личную неприкосновенность при производстве следственных действий	136
Личная безопасность сотрудников УИС, обеспечивающих охрану в пенитенциарных учреждениях	138
Филологические науки	144
Жизнь и творчество Абдуллы Кадыри. Особенности новой узбекской литературы	144
Peculiarities of rendering the national coloring words from uzбек into english	148
Основные этапы работы над лексикой английского языка по теме «Деловая переписка»	150
Технические науки	154
Примеры совместимости облачных технологий	154
История внедрения облачных вычислений	156
Обоснование необходимости разработки мобильного приложения с функцией 3D-конструктора	158
Анализ результатов рентгенофазового анализа высолов, образовавшихся в результате воздействия кислотопродукции микромицетов на тяжелый бетон.	159
Методика уменьшения выбросов NOx, путем применения газодизельной системы питания	165
Автоматизация составления расписания в системе управления учебным процессом	171
Определение упругопрочностных свойств полисульфидной ленты	173
Возвращение к идее полётов на сверхзвуковых самолётах	179
Сравнительный анализ систем управления трафиком	181
Автомобилларда ишлатиладиган деталларни полимер материаллардан босим остида қуйиб тайёрлаш	184
Автомобилсозликда кулланиладиган полимер материалларининг ейилишини аниқлаш	186
Металларга ишлов беришнинг прогрессив усуллари	188
Численное моделирование пористого охлаждения в соответствии с законом Дарси	190
Педагогические науки	194
К вопросу о роли грамматики в обучении немецкому языку	194
Профессиональная компетентность и педагогическое мастерство	197
Экспорт образовательных услуг	201
The effectiveness of pronunciation activities on teaching phonetics in different age groups	202
Миллий ғоявий тарбияда шахс ижтимоий эҳтиёжи ва манфаатларининг ортиб бориши	204
Развития мелкой моторики рук средствами нетрадиционных техник рисования у детей среднего дошкольного возраста.	207
Организация работы педагога изобразительного искусства с использованием мультимедийных средств.	209
Нетрадиционные уроки в начальной школе	210
Развитие логического мышления учащихся на уроках математики в начальной школе	214
Инновации в образовании: теория и практика	218
Основные направления деятельности школьного психолога	222
Формирование элементарных математических представлений в старшей группе детского сада	226
Формирование основ здорового образа жизни у младших школьников посредством игровых технологий	228
Методы обучения в современной школе	230
Интерактивные методы обучения	234
Как удерживать внимание учеников на уроке	238
Дарс жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг баъзи жиҳатлари	240
Ўтмиш аждодларимизнинг демократик қадриятларимиз ривожигаги ўрни	242
Инновационная деятельность дошкольных образовательных учреждениях	244
Особенности профессионально значимых качеств личности педагога	248
Формирование трудового воспитания у детей до школьного возраста	250
Техника фанларини ўқитишда ўқитувчининг педагогик маҳорати	252
The importance of using authentic materials in ESP classes	255
The importance of designing a test for english classes	257
The ways of improving esp learners' listening skills	259
Самостоятельная работа учащихся по иностранному языку	261

Дарс жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг баъзи жиҳатлари

А. Айсачев

Андижон машинасозлик институти ассистенти

Аннотация. Мақолада педагогик технологиялар асосида ўқув машғулотларини ўтказиш масалалари кўрсатиб ўтилган. Педагогик технология таълим жараёнида мўлжалланган ва кўзланган мақсадни ечишга қаратилган тиги фойдаланган.

Калит сўзлар: интерфаол, педагогик технология, модул, сниквейн, кластер, инсерт, технология, инновация.

Аннотация. В статье рассматривается проектирование учебного занятия на основе педагогической технологии. Педагогическая технология направлена на решение намеченной и намеченной цели учебного процесса.

Ключевые слова: интерактивные, педагогические технологии, модул, сниквейн, кластер, инсерт, технология, инновации.

Annotation. The article presents the projecting lesson on the basis of pedagogical technology. Pedagogical technology is aimed at solving the intended and intended goal of the educational process.

Keywords: interactive, pedagogical technologies, modules, snikveyn, cluster, insert, technology, innovation.

Педагогик технология таълим-тарбия жараёнига ўзига хос бўлган инновацион ёндашувдир. У педагогикада ижтимоий-муҳандислик тафаккурининг фойдаси, ўқитиш, тарбиялаш жараёнини маълум даражада стандартлаш демакдир. Жумладан, ўқитишнинг ваъзхонлик, оғзаки баён қилиш усулларида воз кечиш, компьютерлар, таълимнинг техник воситалари ёрдамида ўқитиш, ўқувчи билиш фаолиятининг бошқарувчиси, ташкилотчиси, маслаҳатчиси, якуний натижага эришишга йўлловчиси — ўқитувчи, устоз раҳбарлигида талабаларнинг кўпроқ мустақил ишларини ташкил этиш ва энг муҳими ўқитувчининг деярли бир-хил якуний натижага эришиш имкониятининг мавжудлигидир. Айниқса, ўқитишга ягона давлат таълим стандартлари жорий этилган, жаҳоннинг етакчи давлатлари андозалари талабига жавоб бера оладиган мутахассислар тайёрлашнинг ҳозирги даврида кейинги ҳолат алоҳида аҳамият касб этади. Ўқув жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш натижасида таълим мақсадлари белгиланади ёки лойиҳаланади, кутилаётган якуний натижа — ижобий сифат ўзгариши кафолатланади, ўқув жараёнининг такрорланувчи цикли яратилади, тезкор қайтувчи алоқа вужудга келади ёки ўқув мақсадлари, ўқув жараёнига керакли тузатишлар киритилиб борилаверади.

Республикаимиз таълим-тарбия муассасаларида самарали инновацион педагогик технологияларни қўллаш ўқув-тарбиявий жараёнларнинг янада такомиллашувига, таълим сифатини жаҳон андозаларига етказишга, кадрларни ягона Давлат таълим стандартлари талабларига мос равишда тайёрлашга олиб келади. Келгусида педагогик технология назарий ва амалий жиҳатдан янада бойиб боради. Ўзбек халқ педагогикасининг миллий хусусиятлари, Миллий истиқлол мафкураси ғояларига монанд технологиянинг мустаҳкам асослари яратилади.

Педагогик технология — бу ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида талабаларга муайян шароитда янгича таъсир кўрсатиш жараёнидир. Ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш муаммосини педагогик технология асосида олиб бориш ва ҳал этиш давр талабидир. Янги педагогик технологияда олиқ ўқув юртларида анъанавий равишда жорий этилаётган ўқитиш тизимини илмий асосланган равишда амалга ошириш талаб этилади. Тажриба жараёнида талабаларда шаклландирган билим, кўникма, ижодий фаолият объектив борлиққа муносабатлар педагогик жараён махсули ҳисобланади.

[1]

Педагогик технология усулининг ўзига хос хусусияти шундаки, унда таълимнинг режалаштирилган мақсадга етишга кафолатлайдиган ўқув билиш жараёни лойиҳалаштирилади. Мақсадни кўзлаш жорий натижаларни текшириб бориш, ўқув маълумотни бўлакларга ажратиш — ўқув жараёнини ташкил этишнинг бу белгилари, қайта ишлаб чиқиладиган таълимга хос хусусиятлардир.

Ўқув машғулотларини лойиҳалаштиришда таълимнинг асосий қисмлари таълим мақсадларини умумий белгилаш, умумий мақсадни ойдинлаштириб, ўқув мақсадларига айлантириш, ўқув амаллари мажмуи, таълим натижасини баҳолаш кабиларга алоҳида эътибор бериш зарур. Чунки бунда талабанинг ўқув машғулотларини ўрганиши, эсда сақлаб қолиши, тушуниб етиши, ўзлаштириши, исбот эта билиши, таҳлил этиши, қиёслаши, хулоса чиқариши, ҳаётга татбиқ эта билиши, боғлаши ўзаро ахборотни ижодий қайта ишлай олиши, янги билимларни эгаллаши каби хусусиятлар камол топади. Улар ўқув жараёнини такрорлаш шаклига эга бўлгани учун модул характерини касб этади. Ўқув жараёни тузулишида таълимнинг умумий мақсад ва мазмуни, ўқув мақсадлари, ўқиш — ўқитиш, баҳолаш кабиларга алоҳида аҳамият берилади. Бунинг учун етакчи методист педагоглар гуруҳи педагогик технология тамойили асосида методик материалларни ишлаб чиққади. Бундай материаллар мавжуд бўлса, ўқитувчининг вазифаси асосан ташкилий ишлар ва маслахатлар беришдан иборат бўлади.

Педагогика фанлари доктори, профессор М.Очиловнинг кўрсатишича, педагогик технология усулида ўқув машғулотларини лойиҳалашнинг умумий тузилмаси қуйидагича: мавзунинг номи ахборот манбалари, жиҳозлар, дарслик, ўқув қўлланмаси, ўқитувчи, аудио-визуал воситалари, компьютерга киритилган ўқув материаллари, замонавий автоматлаштирилган компьютер тизимлари, мультимедия кабилар.

Ўқув машғулотларини лойиҳалаштиришда таълим мақсадларини ойдинлаштириш муҳим. Таълим мақсадининг аниқ ифодаланиши, уқитиш давомида ўқувчи билимни қанчалик ўзлаштирганидан хабардорлик, талабанинг характерига асосланиб ўқитиш педагогик технологиянинг муҳим, жиҳатларидир.

Ўқитувчи ўз олдига, одатда, талаба ўқув материалининг мазмунини тушуниши, ўзлаштириб олиши ва амалда қўллай олишга ва ўргатиш мақсадини қўяди ва амалиётда ўқув тарбия жараёнини амалга ошириш ва олиб боришнинг қўплаб вариантлари мавжуд. Ҳар бир муаллиф ҳамда амалиётчи педагогик жараёнга ўзининг индивидуал улушини қўшади.

Ўқув-тарбия жараёнининг ривожланиши муносабати билан таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ҳамкорлик педагогикаси, ўйин технологиялари, муаммоли таълим, дастурлаштирилган таълим, гуруҳли технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Список литературы

1. М.Камолдинов, Б.Вахобжонов. Инновацион педагогик. Технологик асослари Тошкент. "TALQIN".2010